

Ўзбекистон Республикаси
Сув хўжалиги вазирлигининг
2023 йил 17 октябрдаги 157-сонли
бўйруғига 8-илова

**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва тизим
ташкилотларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-
харакатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб
чиқиш
РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ва тизим ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва тегишли таъсир чораларини кўришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Регламент Вазирликдаги алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-харакатлар хақида келиб тушган хабарлар билан ишлашнинг асосий тамойиллари, шунингдек, хабарларни қабул қилиш, уларни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, вазирга ҳисбот тақдим этиш тартибини белгилайди.

3. Мазкур Регламент мақсадларида қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишонч телефони – Вазирликка телефон орқали келиб тушадиган мурожаатларни марказлашган ҳолда қабул қилиш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини мониторинг қилиш имконини берувчи тизим;

мурожаатчи – алоқа каналлари орқали Вазирликдаги коррупциявий хатти-харакатлар тўғрисида ахборот бериш учун мурожаат қилган ҳар қандай жисмоний ва (ёки) юридик шахс, ходим;

манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, Вазирликларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг хукуклари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишида фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишида тақдим этиши;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан, пул, қимматбаҳо қофоз, бошқа қўринишдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, мулкий характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддлаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупцияга қарши қурашиш тизими – амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларни коррупциявий жихатдан бузилишини бартараф этиш, Вазирлик ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришиларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Вазирлик номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий ҳаракатларни содир этиш хавфи;

тааллуқли хабар – Вазирликдаги коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги ахборотдан иборат бўлган хабар;

ходим – Вазирлик билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

ходимнинг шахсий манфаатдорлиги – ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида ўзи ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида ходимнинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир қилиши мумкин бўлган пул маблағлари, моддий ёки номоддий бойликлар, бошқа мол-мулк ва имтиёзлар қўринишида шахсий наф олиш имконияти (шахсий, ижтимоий, молиявий, сиёсий ва бошқа тижорий ёки нотижорий манфаатлари).

4. Вазирлик коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ахборот беришга мўлжалланган алоқа каналларининг ишини қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этади:

конфеденциаллик ва хавфсизлик – алоқа каналларида хабарлардан фойдаланишга рухсат берилган Вазирликнинг барча ваколатли шахслари ушбу хабарларни ваколатга эга бўлмаган шахсларга бериш (ошкор қилиш) га ҳаққи йўқ. Агар мурожаатчи ўз хабарини юборганлиги ҳақида бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга ўз хоҳишига кўра, жумладан, эҳтиётсизлиги натижасида ошкор қилган бўлса, Вазирлик унинг ошкор бўлишига жавобгар бўлмайди;

қонунийлик – Вазирлик алоқа каналларига келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқиш қатъий равища Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва ушбу Регламентга мувофиқ амалга оширилади;

мурожаатчининг таъқиб қилинмаслиги – алоқа каналлари орқали коррупциявий ҳаракатлар ҳақида ўз хоҳишига кўра хабар берган жисмоний ва юридик шахс, хусусан, Вазирлик ходими хабарнинг мазмунидан қатъи назар бирон-бир жавобгарликка тортилмайди;

мурожаатчи билан мажбурий тартибдаги қайта алоқа – агар хабар аноним бўлмаса, уни кўриб чиқиш натижалари Вазирлик томонидан мурожаатчига етказилиши лозим;

таъсир чораларини кўллашнинг мажбурийлиги – коррупция факти тасдиқланган тақдирда, Вазирлик айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳаракат қиласи.

2-боб. Коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақида ахборот бериш учун алоқа каналлари

5. Тааллуқли хабар қўйидаги алоқа каналларидан юборилиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси (<https://pm.gov.uz/>) орқали;

Вазирликнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;

Вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари (мисол учун Facebookдаги расмий саҳифаси (<https://www.facebook.com/profile.php?id=61552309629188>) орқали;

Вазирликнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Вазирликнинг телеграм боти (<https://t.me/sxvanticorruptionbot>)

Вазирликка оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;

хуқуқни маҳофаза қилувчи органлар орқали;

мазкур Регламентда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари.

6. Вазирлик алоқа каналлари тұғрисидаги ахборотни расмий веб-сайт, ва ижтимоий тармоқдаги саҳифа ва каналларига жойлаштиради, шунингдек, ходимларга даврий равиша юбориладиган электрон хатлар тарқатмаларига ва үқув материалларига киритади, Вазирлик биносида жойлаштириладиган тематик плакатлар ва ҳоказоларда акс эттиради.

3-боб. Алоқа каналлари орқали келиб тушаётган тааллуқли хабарларни қабул қилиш

7. Вазирликнинг Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими (кейинги ўринларда – Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими) Вазирликнинг алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарларни кўриб чиқишига масъул ҳисобланади.

8. Вазирликнинг қўйидаги алоқа каналларидан келиб тушган тааллуқли хабарлар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги Вазирликларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тұғрисидаги намунавий низом ва Вазирликнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тұғрисидаги низом талабларида назарда тутилган тартибда рўйхатга олинади ва резолюция учун вазирга чиқарилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали;
Вазирликнинг расмий веб-сайти ёки электрон почтаси орқали;
Вазирликнинг телефон рақамлари орқали (ишонч ва бошқа иш телефон рақамлари орқали);

Вазирликка оғзаки (шахсан) мурожаат қилиш;
хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орқали.

9. Вазирликнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий канал ва саҳифалари ва телеграм боти орқали келиб тушадиган хабарларни қабул қилиш учун Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими масъул ходими тайинланади.

Бунда, тааллуқли хабар келиб тушганда Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими масъул ходими мурожаатчи билан электрон ёзишма йўли билан ёки телефон орқали боғланиб зарур ахборотни аниклаштиради, хабарни Реестрда рўйхатга олади ва маълумотни Вазирлик раҳбарига киритади.

Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими масъул ходими келиб тушадиган хабарларни душанбадан жумагача соат 09:00 дан

18:00 га қадар таҳлил қиласи. Агар хабар иш вақтидан ташқари пайтда келиб тушса, бу хабар навбатдаги иш кунида аниқлаштириш учун сақланади.

10. Агар мурожаатчи ўз хабарини тасдиқлаш учун қўшимча материалларга, масалан, фотоматериаллар, ҳужжатлар, аудио ва видеоёзувларга эга бўлса, мурожаатни қабул қилишга масъул ходим уларни тақдим этиш бўйича фойдаланиладиган алоқа каналларини (телеграм боти ёки электрон почтаси)ни кўрсатади ва тақдим этиладиган маълумотни конфеденциаллигини билдиради. Мазкур маълумотлар тааллуқли хабарга илова сифатида расмийлаштирилади.

11. Вазирлик раҳбари тааллуқли хабарни тезкорлик билан таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш учун Вазирликнинг Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлимига топшириқ туширади.

12. Вазирликнинг Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими тааллуқли хабарни олгандан кейин 1 (бир) соат ичидаги уни иловага мувофиқ шаклда Вазирликда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш реестрида (кейинги ўринларда – Реестр) рўйхатга олиши ва ушбу Регламентнинг 4-бобига мувофиқ кўриб чиқиши лозим.

13. Вазирлик мурожаатчиларга ходим томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида аноним хабарлар қолдириш имкониятини беради.

Аноним хабар келиб тушган тақдирда Вазирликнинг маъсул ходими, имкон мавжуд бўлган тақдирда, қуйидагиларни амалга ошириши лозим:

Вазирликка келиб тушган хабарга жавоб бериш учун мурожаатчи билан боғлана олмасликлари мумкинлиги ҳақида маълум қилиши;

қўшимча зарур маълумот олиш имконияти бўлмаган тақдирда хабарни тўлиқ ва ҳар томонлама ўргана олмасликларини билдириши;

мурожаатчига у билан боғланиш учун аноним алоқа канали ташкил қилишни таклиф қиласи (шахс кўрсатилмаган электрон почта манзили, Телеграмдаги махфий чат ва бошк.);

Мурожаатчи ўз аризасидан воз кечмаган тақдирда, мазкур Регламентда назарда тутилган тартибда хабарни қабул қилиши шарт.

14. Вазирлик ходимлари томонидан олинган хабарларни кўриб чиқиш жараёнида коррупциявий ҳукуқбузарликларни содир этишининг сабаб ва шароитлари ҳам таҳлил қилинади ва келгусида уларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилади.

15. Олинган хабарлар бўйича барча тааллуқли материаллар, ҳужжатлар ва маълумотлар (шу жумладан, қабул қилинган қарорлар ва мурожаатчиларга юборилган жавоблар) Мурожаатлар билан ишлаш тузилмасида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган муддатга, шу билан бирга 10 йилдан кам бўлмаган муддатга сақланиши керак.

16. Тааллуқли хабар Вазирликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларга келиб тушган тақдирда, уни қабул қилган масъул ходимлар зудлик билан ёзма шаклда ҳудудий (таркибий) бўлинма раҳбари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулни (мавжуд бўлса) келиб тушган хабар тўғрисида хабардор қиласди, улар ўз навбатида ушбу хабарни Вазирликнинг марказий аппаратидаги Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлимига юборади. Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими олинган хабарни 11-бобида баён этилган тартибга мувофиқ кўриб чиқади.

17. Вазирликнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ўзларининг Реестрини юритади.

4-боб. Коррупциявий ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни кўриб чиқиши

18. Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлимига келиб тушган барча тааллуқли хабарлар ушбу тузilmанинг масъул ходимлари ёки Вазирлик раҳбари топшириғига асосан бошқа бўлинмалар томонидан кўриб чиқилади.

19. Коррупциявий ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни кўриб чиқиш жараёнига, ҳаракатлари устидан тааллуқли хабар келиб тушган ёки кўриб чиқиш жараёнида манфаатлар тўқнашуви юзага келиши мумкин бўлган ходимларни жалб қилиш ман этилади.

20. Тааллуқли хабар келиб тушганда Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими ходими дастлабки текшириш ўтказиб, унинг тааллуқлилигини таҳлил қиласди, яъни хабарда кўрсатилган маълумотнинг Вазирлик тизимига тааллуқли коррупцияга оид ҳукуқбузарликка ва (ёки) манфаатлар тўқнашувига тегишлилигини текширади.

Дастлабки текшириш тааллуқли хабар Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлимига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичida амалга оширилади.

21. Мазкур Регламентнинг 19-бандида назарда тутилган дастлабки текшириш натижаларидан қатъи назар, бу ҳақдаги ахборот Реестрга киритилади.

22. Агар Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими ходими хабар тааллуқли эмас деган хulosага келса, бу хабар бир иш куни ичида Вазирликнинг тегишли тузилмасига билдириги асосида ўтказилиши лозим.

23. Агар хабарда коррупциявий ҳаракатлар ва (ёки) манфаатлар тўқнашуви ҳақида маълумот ҳамда хизмат текширувини ўтказиш учун етарли асослар мавжуд бўлса, Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими ходими ички идоравий ҳужжатда белгиланган тартибда хизмат текширувини ўтказиш ташабbusи билан чиқади.

24. Тааллуқли хабарларни мазмунан кўриб чиқиши Вазирликка келиб тушган кундан эътиборан бир ой ичида, текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиши муддатлари, Вазирликнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига (аноним мурожаатлардан ташқари) хабар қилинади.

25. Мурожаатга жавоб Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими томонидан тайёрланиб, Вазирлик раҳбари имзоси билан расмийлаштирилади.

26. Тааллуқли хабарларни кўриб чиқиши якунларига қўра ўрганиш натижалари ва қўлланилган таъсир чоралари кўрсатилган жавоб хати тайёрланади ва белгиланган тартибда мурожаатчига юборилади.

27. Ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ва телеграм-бот орқали келиб тушган тааллуқли хабарга жавоб мурожаатчига электрон шаклда ижтимоий тармоқдаги канал ва саҳифалар ёки телеграм-бот орқали юборилади.

5-боб. Ҳисобдорлик

28. Реестрдан Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими ходимлари, хабарларни кўриб чиқишида иштирок этган тегишли бошқа давлат органлари ва Вазирликларининг ходимлари (фақат шундай хабарларга доир), Вазирлик раҳбари ёки раҳбарнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишини назорат қилувчи ўринbosари фойдаланиши мумкин.

29. Реестр маълумотлари асосида Коррупцияга карши курашиш ва комплаенс назорат бўлими ҳар чоракда Вазирлик раҳбарига қабул қилинган коррупциявий ҳаракатлар тўғрисидаги хабарларга тааллуқли бўлган ҳисоботни тақдим этади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

келиб тушган тааллуқли хабарлар ва кўриб чиқилган тааллуқли хабарлар сони;

коррупциявий ҳаракатлар, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари тасдиқланган тааллуқли хабарлар сони;

кўриб чиқиш муддатлари бузилган тааллуқли хабарлар сони;

тааллуқли хабарларни кўриб чиқишининг ўртача муддати;

мурожаатчилар томонидан энг кўп фойдаланиладиган алоқа каналлари ва бошқа статистик маълумотлар.

6-боб. Якуний қоида

30. Мазкур Регламент талабларини бузиш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

31. Мазкур Регламент, мурожаатлар ва коррупцияга қарши қурашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва
тизим ташкилотларида алоқа каналлари орқали
коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган
хабарларни қабул қилиш
ва кўриб чиқиш регламентига илова

**Вазирликда коррупцияга оид ҳаракатлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш
РЕЕСТРИ**

№	Хабар кепиб тушган сана	Худуд
1.	Хабарниг тоифаси (коррупциявий хатти-ҳаракат, манфатлар тўқнашуви)	Мурожаатлар билан ишлаш тизимида рўйхатга олинган сана ва раками
2.	Хабар юборилган алоқа канали	Мурожаатчи маълумотлари (жисмоний ёки юридик шахс, кайта алоқа маълумотлари)
...	Хабарнинг қисқача мазмуни	Хабар тааллуқли бўлган тузилма
	Кўриб чиқин натижалари Қаноатлантирилди/ тушунтириш берилди/ кўрмасдан колдирилди	Мурожаатчига жавоб юборилган сана ва хат раками
	Ижрочи	Хабарни кўриб чиқкан тузилма раҳбари
	Изоҳ	